



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Баҳриев Зафар Алишерович

“5310200 “Психология” таълим йўналиши бўйича бакалавр

даражасини олиш учун

*“Инсон қадри, шахсий қадриятлар ва уларнинг миллий - психологик
талқини” мавзусида ёзган*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар : ўқ.Н.Усмонов

“Ҳимояга тавсия этилди”

Педагогика – психология факультет

декани _____ доц.Ш.Нуриллаева

“ ” 2014 йил

Қарши - 2014

Мундарижа

Кириш.....	3
I-Боб. Миллий қадриятлар ва уларнинг асосий шакллари.....	7
1.1. Миллий қадриятларнинг психологик талқини.....	7
1.2.Миллий қадриятларнинг асосий шакллари.....	11
II-Боб. Инсон қадри ва шахсий қадриятлар.....	17
2.1.Инсон қадри.....	17
2.2. Шахсий қадриятлар.....	22
2.3.Қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари.....	29
2.4. Мустақиллик ва янги қадриятлар тизимининг психологик асослари.....	35
Хулоса.....	42
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	44

Кириш.

Инсон ва унинг кадри муаммалари – фалсафанинг азалий мавзуларидан биридир. Одам зотининг дунёга келиши, бошқа жонзотлардан фарқи, табиат ва жамиятдаги ўрни инсоний фазилатлари шахсий хусусияти тўғрисидаги масалалар ҳамма давр файласуфларининг диққат марказида турган. Фан соҳасида одамнинг жисмоний тузилиши, табиатик-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамон давом этмоқда. Ижтимоий фанларда эса шахс камолоти, унинг ижтимоий, маънавий қиёфаси ва камолоти билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Хуллас, одамзот учун ўзига ўхшаган бошқа кишилар, уларнинг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни, кадри, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ муаммолар азал-азалдан асосий татқиқот ва кузатиш объекти бўлиб келган.

Оламдаги инсонларнинг яшаш жойлари, ўтмиши авлодларнинг хоки яширинган замин, ўзи туғилган юрти билан боғлиқ умуминсониятга хос бокира туйғулари бор. Бу туйғулар туғилган уйдан, маҳалла, қишлоқ, шаҳар кўчасидан тарбиялана бошлайди, киши мансуб бўлган тарихий бирлик, унинг ўтмиши билан боғланган ижтимоий ҳудудга нисбатан муносабатда намоён бўлади. Киши Ер сайёрасининг фарзанди эканини, ўзи учун суюкли ҳудуд сайёранинг таркибий қисми бўлган Ватан эканлигини англаганда, ундаги бу туйғу умуминсонийлик талабига мос келадиган даражага кўтарилади.

Умуминсоний қадриятлар ва уларнинг асосий шакллари хилма-хил тарзда ранг-баранг ҳолат ва турли даражаларда намоён бўладиган ғоят мураккаб мазмунан ниҳоятда бой ва серқирра ижтимоий тушунчалардир.

Қадриятлар тизимида миллат унга хос белгилар жиҳатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиши жараёнларига муайян даражада

таъсир кўрсатган ҳудуд ва у билан боғлиқ туйғулар, миллатнинг ўтмиши, тарихи, маданияти, у яратган маданий бойликлар ва маънавий мерос билан боғлиқ кадриятлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бу кадриятлар бирор миллат кишилари учун умумий бўлиб ҳисобланади. Улар алоҳида шахс кадриятларини умуминсоний кадриятлар билан боғловчи халқлардан биридир. Муайян киши ёки шахс умуминсоний кадриятларни англашда, ўз фаолиятини ушбу кадриятлар мезонига мослаштиришда миллий кадриятларни ҳисобга олади, улар билан боғлиқ жиҳатларни ҳам назарда тутди.

Дунёдаги халқлар орасида айнан шу миллатнинг борлиги, мавжудлиги, бетакрорлиги, “Кўҳна тарих шодасида битта маржон” (Э.Воҳидов) сифатида зоҳирлиги ҳар қандай киши учун аҳамиятга эга бўлиши табиий. Миллат – ҳар қандай миллий кадриятларнинг объекти, миллий кадриятлар тизими таянадиган ижтимоий асосидир. “Миллат” атамаси кадрият объекти сифатида тушунилганида бир-бири билан қон-қариндош халқларига нисбатан ишлатиладиган “туркий” халқлар, “славянлар”, “роман халқлар” кабиларга умумийлик мос келади.

Миллат бир томондан ўзининг кадриятлари муттасил вужудга келтириб туради, ўтмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларнинг доимий такомиллаштириб туради. Иккинчи томондан эса унинг ўзи ҳам мавжуд кадриятлар тизими таъсирида ўзгариб ривожланиб боради. Миллат ўзининг кадриятларини вужудга келтириб, уларнинг янги-янги қирраларини ва жиҳатларини сайқаллаштириб, тараққиёт жараёнида такомиллаштириб туриши маъносида ўз кадриятларининг ҳақиқий эгаси макон ва замондаги илгариланма ҳаракатдан иборат ўзгаришлар жараёнида уларнинг ўтмишдан келажакка томон етказиб берадиган энг асосий объектдир.

Миллатнинг таназзули – миллий қадриятларнинг таназзулидар! Бу оқибат натижасида ушбу қадриятларнинг эгасиз қолиш ҳафни туғдиради. Инсоният – тарихи муайян этносларнинг вужудга келиши таракқиёти ва таназзули, уларнинг ўрнига бошқалари вужудга келишидан иборат жараёнлардир, дея эътироф қилишни бутунлай нотўғри дейиши қийин. Бундай қараш эса ўз навбатида ғоят муҳим ва долзарб масалага, яъни миллат миллий қадриятларининг объекти ва эгаси сифатида ўз-ўзини сақлаб турмоғи, ўзининг авлодларини асраб-авайламоғи лозим, деган масалага олиб келади.

Шу боис, биз битирув малакавий ишимиз учун танлаган “Инсон қадри, шахсий қадриятлар ва уларнинг психологик талқини” мавзуси ҳозирги кунда ўта долзарблиги билан характерлидир.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Миллий қадриятлар асососида инсон қадри ва шахсий қадриятларни ўрганиб, уларнинг психологик моҳиятини ёритиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари.

- 1.Миллий қадриятлар ва уларнинг асосий шаклларини ўрганиш.
- 2.Инсон қадри ва шахсий қадриятларнинг фалсафий-психологик моҳиятини ёритиш.
- 3.Қадрлаш ва қадрсизланиш муаммоларини таснифлаш.
- 4.Қадрятларнинг аҳамиятига доир тавсия ва хулосаларни илгари суриш.

Битирув малакавий ишининг объекти. Миллий қадриятлар инсон қадри, шахсий қадриятлар ва уларнинг шаклланиш қонуниятлари.

Битирув малакавий ишининг предмети. Миллий қадриятлар инсон қадри ва шахсий қадриятларнинг шаклланиши билан боғлиқ ижтимоий – маданий ҳудудий ва миллий психологик шарт-шароитлар, қонуниятлар уларнинг турлари ва психологик талқини.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Миллий кадриятлар, инсон қадри ва шахсий кадриятларнинг шаклланиши билан боғлиқ миллий маданий ҳамда миллий-психологик омилларини ўрганиш ва улардан ҳаётий ҳамда амалий фаолиятда фойдаланиши ёш авлодни маънавий юксалиши ва мамлакатнинг миллий маданий тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда фойдаланилган асосий методлар. Миллий кадриятлар, инсон қадри ва шахсий кадриятлар акс этган манбалар ва асарларни ўрганиб психологик таҳлил қилиш, шунга доир кузатиш ишларини олиб бориш, маҳаллий аҳоли, шунингдек соҳа мутахассислари билан суҳбат, анкета ва ижтимоий сўровномалар ўтказиш.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб – уни ташкил этган олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-Боб. Миллий қадриятлар ва уларнинг асосий шакллари

1.1. Миллий қадриятларнинг психологик талқини

Инсон тарихида Бобил, Византия, майя империяларини вужудга келтирган этнослар бўлганлиги, мавжудлиги маълум. “Буюк цивилизациялар” номи билан юритиладиган бу этнослар кейинчалик, турли халқ, миллат, элатларга айланиб кетганлар ўзларининг умумий – тарихий бирилигини йўқотганлар ёки тарихий танззул жараёнлари, уруш ва қирғинлар оқибатида камайиб кетганлар. Амазонка бўйларида ва Мексика ўрмонларида ўз даврининг вайроналарини қолдирган Майя халқи тўғрисида шундай фикрни айтиш мумкин. Қадимги замоннинг энг буюк маданиятларидан бирини яратган бу халқ таназзулга учраган, унинг ёзуви унитилган, Майялардан 100 га яқин шаҳарларнинг вайроналари қолган ва шу тариқа буюк маданият бешикларидан бирининг чироғи сўнган.

Ҳар бир миллат ўз қадриятларининг яратувчисигина эмас, балки уни асраб-авайлавчи ва келажакка етказувчи ҳамдир. Миллий қадриятларнинг сақланиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи маъсулдир. Бу эса маъсулликнинг фақат алоҳида шахсларга эмас, балки бутун миллатга хос намоён бўлишини англатади. Миллат озод бўлмаслиги, сиёсий жараёнлар натижасида бирор империя ёки давлатга қарам бўлиши мумкин, аммо унда ўз миллий қадриятларини сақлаш туйғуси йўқолиб кетмайди.

Миллатни миллий қадриятларнинг объекти ва субъекти сифатида тушуниш, у билан боғлиқ миллий қадриятлар тизимини илмий таҳлили қилиш миллатнинг ўзини ижтимоий қадрият сифатида қараш имконини беради. Бу эса миллий қадриятларнинг намоён бўлиши, тарихий ривожланиш жараёнида ўтмишдан келажакка томон ҳаракатини таҳлил қилишга имкон яратади. Миллий қадриятлар:

- кишиларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятларида кўзга ташланиб туради ҳамда ана шу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёжлар ва интилишлар учун маънавий асос бўлади;

- моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда муайян натижа сифатида юзага келишлари, кишилар учун зарурият сифатида ўзига хос аҳамият касб этишилари, уларга фойда келтиришлари ҳам мумкин;

- ижтимоий ривожланиш жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб боради, доимий янгиланиб туради. Шу билан бирга авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

Ҳар бир халқ ёки миллат, ўзига хос ранг-баранг қадриятларни шакллантириб бориши натижасида, умуминсоний қадриятларни шакллантириб, унинг турли қирраларини ривожлантириб боради.

Миллий қадриятлар табиатига кўра фақат тор доирада сақланиб қолмайди, балки раванқ топиб, турмуш жараёнида муттасил янгиланиб, бошқа халқлар қадриятларини ютуқлари билан бойитиб боради. Ҳар бир эл, элат, уруғ ёки халқнинг урф-одатларида, уларни баришдаги фаолиятида ўзига хослик бўлади. Агар ана шу ўзига хосликни ўша жойнинг аҳолиси қадрласа улар ҳаётининг бир қисмига айланган бўлса бунинг ёмон жойи йўқ. Бундай ўзига хослик билан боғлиқ қадриятларни бошқа жойда, бошқача тарзда яшаётган кишиларнинг тарозуси билан ўлчаш ёки бу масалада бошқаларнинг ҳакам бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Умуминсонийлик туйғуси фақат ўз халқи қадриятини бошқа жойда ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва бошқалар орасида ёйиш учун интилишга асосланмайди, балки ҳар бир халқ, элат, уруғ қадриятларини қандай ҳолатда бўлса шундайлигича қабул қилиб, уларни ҳурмат қилишдан бошланади.

Ҳар бир миллатнинг ўзи қалридаги маданияти, тили, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва обод нормалари бор. Дунё аҳолиси сон жиҳатдан кўп ёки камроқ халқ бўлиши мумкин, аммо маданий ва маънавий соҳада бир-биридан кам ёки ортиқ миллат йўқ. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўтмиши, маданий ва маърифий қадриятлари, миллий қаҳрамонлари, бошқа миллат томонидан таҳқирланганиши асло мумкин бўлмаган урф-одатлари, турмуш тарзи ва қон-қариндошлик белгилари мавжуд. Ҳеч қайси миллатнинг ўзга миллат фаолиятини баҳоловчи ҳакам бўлишга ҳаққи йўқ. Бирор бир таълимот давлат шакли ёки яшаш усулини қабул қила олмаганлиги учун ҳеч қачон у ёки бу миллат айбдор эмас. Шу маънода умуминсонийлик бир миллат қадриятларини бутун оламга ёйиш йўли билан эмас, балки ҳамма миллат ва элатларнинг қадриятларини асраб-авайлаш муросалаштириш, тарих тарозуси сақлаб қоладиган қадриятларни ҳурмат қилиш ва оламдаги миллий ранг-барангликни табиий ранг-баранглик билан узвий алоқада эканлигини англаш йўли билан бойиб боради.

Миллий қадриятлар миллатнинг табиий тарихий ривожини ижтимоий турмуши, яшаш тарзи, ўтмиши, келажаги, маданияти, маънавияти, урф-одатлари, анъаналари, тили, у вужудга келган ҳудуд ва бошқалар билан узвий боғланган. Улар ҳилма-хил шаклларда бир-бири билан узвий алоқада намоён бўлади, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қилади. Бу тизимда табиий тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар — қон-қариндошлик, маданий-маънавий янгилик, ўтмиш ва маънавий мерос, она юрт туйғуси ва бошқалар нисбатан барқарор бўлиб ҳисобланади. Улар миллий қадриятлар тизимида тарихий жараёнлар давомида тез ўзгариб борадиган баъзи кундалик ёки амалий аҳамиятга молик бўлган қадриятларга нисбатан,

миллий қадриятлар тизимида, ўз ўрнини ва аҳамиятини узоқроқ сақлаб қолиши билан боғлиқ хусусиятни ифодалайди.

Миллий қадриятлар тушунчаси муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларигина эмас, балки улар яшаётган ҳудуд маъданий-маънавий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат руҳи, тарихи, ўтмиши, турмуши ва яшаш тарзи, миллат ҳаётининг тартиб қоидалари ҳамда улар билан боғлиқ миллий хусусиятлар, жиҳатлар ва бошқаларнинг аҳамиятини ифодалайди. У умумий жиҳатларини қадриятлар тизимида миллатга хос бўлган қадриятларнинг энг умумий жиҳатларини акс эттиради.

1.2.Миллий қадриятларнинг асосий шакллари

Бизнингча миллий қадриятлар тизимининг, нисбатан барқарор ҳолатда, қуйидаги шакл ёки таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1.Миллатнинг генофонди, табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги;

2.Миллат тарихи, ўтмиши, келажаги ва маънавий мероси;

3.Миллий ҳудуд, маддийва маданий яшаш шароитлари, иқтисодий асос ва ижтимоий устқурма билан боғлиқ жиҳатлари;

4.Урф – одатлари, анаъаналари, маросимлари, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик, улар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар;

5.Милий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг ва миллий руҳ, миллий туйғулар ва ғоялар.

Миллий қадриятлар тизимининг таҳлилида, аввало миллатнинг вужудга келиши, ўтмиши, бугуни ва келажагаги билан боғлиқ табиий-тарихий қадриятларига эътибор бериш лозим. Ҳар бир миллат ўзини ташкил қилган кишилар учун аввало табиий-тарихий бирлик сифатида қадрлидир, у оламдаги бошқа турли-туман халқ, элат ва миллатларга ўхшамайдиган ўзига хос бетакрор хусусиятларга эга. Бундан ташқари, ҳар қандай миллат тарихий тараққиёт ва ривожланиш жараёнида янгиланиб, ўзгариб борадиган ранг-баранг қатламлар, синфлар ва бошқаларнинг диалектик уйғунлигини ифодаладиган ижтимоий бирликдир.

Миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ энг асосий қадрияти – унинг генофондидир. Генофонд – фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, хусусиятлар, ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўзида ифодалайди. Айнан бирор

халқ, миллат, элатни йўқотиш учун қилинган тажлвузнинг “геноцид” деб аталиши бежиз эмас. Миллатнинг геноциди – унинг энг асосий тарихий, миллий қадриятларидан биридир.

Генофонд тўғрисидаги тушунча айникса, қон-қариндош миллатлардан таркиб топган халқларнинг тарихий бирлик сифатида ижтимоий тараққиётининг нисбатан узоқ даврида мавжуд бўлиши мумкинлигини исботлайди. Миллат тарихий ўзгаришлар, уруш ва қирғинлар натижасида аста-секин ўзгариши, камайиб кетиши мумкин. Аммо уни генофондининг ўзгариши миллатнинг ниҳоятда тез ўзгаришига авлоддан-авлодга мерос қолган тарихий-табiiй хислатларининг тез йўқолиб кетишига олиб келади.

Собиқ СССРдаги 70 йиллик “социалистик эксперименлар” жараёнида одамлар бошига тушган турли хил қатағонлар, урушлар, бутун-бутун миллатларнинг ўз тарихий ватанидан кўчириб юборилиши, сохта шоирлар билан “юз мингчилар”, “саксон мингчилар” ва бошқа ҳаракатлар натижасида аҳоли катта қисмининг кўчиб юриши, эгологик тангликлар ва бошқалар мамлакатдаги халқлар, миллат ва элатларнинг генофондига салбий таъсир қилмай қолмайди. Бу эса кўпинча илғор кишиларни, олим ва зиёлиларни ташвишга сола бошлади. Атоқли қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматов “Манқуртлар” тўғрисидаги масалани кўтаради, бу эса айнан генофондга бефарқ кишилар муаммосидир. В.Астафьев юқоридаги жараёнлар натижасида “Халқимизнинг генофонди ўзгариб кетмадимикан?” – деган саволни қўяди. Бошқа олимлар ҳам бу саволнинг ниҳоятда асосли ва долзарб эканлигини таъкидлайдилар. Бу масалага бағишланган энг долзарб мақолаларда миллатларга қарши узоқ йиллар давомида олиб борилган нотўғри сиёсатни салбий оқибатлари кўрсатилди. Зеро, совет даврида рўй берган юқоридаги сабаблар одамларга катта-ю кичик миллатларга нисбатан

нихояси йўқ уруш, ўзига хос “геноцид” бўлганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳозирги даврга келиб бу масалага алоҳида эътибор бераётганлиги, соғлом авлодни тарбиялаш, халқ генофондини соғломлаштириш умумдавлат миқёсидаги вазифага айланганлиги асло бежиз эмас. Миллатнинг генофонди унинг бетакрорлигини англатади, бу бетакрорлик эса ушбу миллат тарихий ривожланишнинг муайян даврлари билан боғланганлигини кўрсатади. Бу бетакрорликни умуминсонийлик жиҳатидан баҳолаш – ўз миллати қадриятларини холисона тарғиб қилиш, ўзга миллатнинг қадриятларига зарар етказмасликка асосланади. Зеро, Ўзбекистондаги “соғлом авлод учун” ҳаракат Республика ҳудудида истиқомат қилаётган бутун халқ камолоти учун фаоллик эканлиги сир эмас.

Миллий қадриятлар кишиларнинг яшаш жойлари, турмуш шароитлари билан боғлиқликда шаклланади. Ана шундай қадриятларнинг энг асосийси туғилган ватан ва она юртни севиш туйғусидир. Ватанни севиш туйғуси – инсон туғилиб вояга етган, у мансуб бўлган тарихий бирликнинг ўтмиши билан боғланган ижтимоий-иқтисодий, маданий муҳитга ва ҳудудга нисбатан бўлган муҳаббатдир. Бу бутун инсониятга хос, уни бирор халқда кўпроқ бошқасида камроқ ривожланган дейиш учун асос йўқ.

Ватан туйғусида кишиларнинг ўзига мансуб бўлган тарихий бирлик шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатган ҳудудга нисбатан маънавий қарздорлиги, бурч ва маъсуляти билан боғлиқ ижтимоий туйғулари намоён бўлади. Ватан – ана шундай туйғуни уйғота олгани учун ҳам қадрлидир. Чунки, “... Ватан деб устида ўтирганимиз оддий тупроқ эмасдир, ... устида ўтирганимиз тупроқ унинг ёпинғичидир ва у ёпинғич бўлганлиган ҳам муқаддасдир”.

Энг асосийси миллий кадриятлардан бири – миллат учун умумий муомала воситаси бўлган миллий тил билан боғлиқ. Мутахассислар оламда 5000га яқин тил борлигини қайд қиладилар, уларни 15 та катта оилага бўлиб ўрганадилар, тилларни такомиллашуви билан бирга улар тарқалган ҳудуднинг майдони ҳам ўзгариб боришини таъкидлайдилар. Масалан, VII- асргача арабистон ярим оролининг бир қисмида тарқалган араб тили, ундан кейинги бир неча аср орасида Африка ва Осиёнинг бошқа қисмларига ҳам тарқалди. Худди шундай туркий тиллар ҳам Кичик Осиёдан шарқий Сибргача бўлган кенг ҳудудда тарқалган. Шу билан бирга қадимги Осиёда кенг тарқалган хетлар тили эса бутунлай йўқолиб кетган.

Миллий тиллар билан боғлиқ муаммо собиқ иттифоқда “миллатларнинг бир-бири билан яқинлашуви принципи” асосида қараб келинди. Ўтган ўн йилликлар давомида республикамизда ўзбек тилининг мавқеи ва ишлатилиши даражаси пасайиб кетган эди. Асосий халқи ўзбеклардан иборат бўлган жойда содир бўлган бу аҳвол тўғридан-тўғри умуминсоний кадриятлар мезони, миллий мутақиллик талабларини бузилишини англатар эди. Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда “Давлат тили” деб эътироф қилиниган қонун қабул қилиниши ва уни Давлат тили” деб эътироф қилиниши ҳамда бунинг Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилиши миллий ва умуминсонийлик диалектикасининг талабидир.

Миллатларнинг маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари, миллий адабиёти, санъати ва бошқалар билан умуминсоний кадриятларнинг миллий даражадаги намоён бўлиш шакллари боғлангандир. Уларнинг асосида ҳар бир миллат, халқ ёки элатнинг тарихий ривожланиш жараёнида авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган маданий хусусиятлари ва жиҳатлари ётади. Миллат фақат

муайян ҳудудда яшайдиган ва бир хил тилда сўзлашадиган кишилардангина иборат эмас, балки умумий маданий маънавий жиҳат ва хусусиятлар асосида мавжуд бўлиб турган тарихий-ижтимоий бирлик ҳамдир.

Маданият инсоният тарихининг илк давларидан бери унинг ажралмас ҳамроҳи, инсоннинг ўзи каби қадимийдир. Оламда маданиятсиз эл, миллат ва халқ йўқ. Мирсликлар қадимдан қолган пирамидалари, Хитойликлар Буюк Хитой девори, Европаликлар Эллада ва Рим тарихи билан боғлиқ ёдгорликлари, илмий кашфиётлари билан умуминсоний маданиятга ҳисса қўшганлари каби бошқа халқларнинг ҳам бунда ўз ўрни ва ҳиссаси бор.

Ҳар бир халқнинг маданияти ўзига хос ва бетакрор бўлиб, у ривожланади ва такомиллашади. Бу айниқса, қон-қариндош халқлар билан боғлиқ маданий қадриятлар ривожига катта аҳамият касб этади. Араблар, Хитойлар, Славянлар, Туркий забон халқларнинг умумий маданий қадриятлари бор. Маданий қадрият шакллари кўп ҳолларда у ёки бу миллат кишилари ўртасидаги муносабатлар, фаолият ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Маданий бойликларни яратиш, анъана ёки урф-одатларни қадрлаш дунёдаги ҳамма миллат ва халқларга хос умуминсоний жиҳатлардир. Аммо уларни асраш, авлодларга мерос қолдириш борасидаги хусусиятларни тарбиялаш, бу жараёнлардаги фаолият ва хатти –ҳаракатларда миллий ўзига хослик бор. Бу борада миллийлик ана шундай ўзига хослик билан белгиланади. Масалан, меҳмондўстлик ҳамма халқларга хос умуминсоний хусусиятдир. Аммо бир миллат уйга келган меҳмондан “Овқат ейсизми?”- деб сўрашни одат ҳисобласа бошқа миллат учун меҳмонга бундай мурожаат қилиш ножоиз ёки бир халқда меҳмон келиши билан дастурхон безатилса, доимо шамол эсавергани ва қумлар овқатга зарар етказиши

мумкинлигини ҳисобга оладиган сахройи халқларда эса меҳмон ижозат бермагунча дастурхон очилмайди ва ҳоказо.

Демак, ҳар қандай миллат ижтимоий бирлик сифатида ўзига хос бетакрорқадриятларни яратди. Миллий қадриятларни объекти ва субъекти сифатида ҳар бир миллат ўз қадриятларини асраб-авайлайди, ривожлантириб ва такомиллаштириб боради. Ушбу маънода миллат миллий қадриятларининг эгаси, асраб-авайловчисидир. Шу билан бирга унинг ўзи ҳам ижтимоий тараққиёт жараёнида ўзгариб, янгиланиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф қилиб боради. Миллий қадриятлар миллий маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Миллатга мансуб кишиларнинг онгига таъсир қилади улар учун маънавий мезонлар ролини ўйнайди, ижтимоий ривожланиш жараёнида доимо янгиланиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Уларнинг турли жиҳатларини ва замонавий аҳамиятини ўрганиш муҳим вазифа бўлиб қолади.

II-Боб. Инсон қадри ва шахсий қадриятлар

2.1.Инсон қадри

Инсоннинг ўзини қадрият сифатида талқин қилиши билан унинг қадри ва шахсий даражадаги қадриятлар тизими тўғрисидаги масалалар бир-биридан фарқ қилади. Бу борада уч хил йўналишда фикр юритиш мумкин, яъни:

- ҳар бир инсон шахсини – қадрият сифатида қараш мумкин. Бунда инсоннинг ўзи, унинг табиий тарихий жараёндаги мавжудлиги, тирик жонзотлар орасида ягона ижтимоий вужуд эканлиги эътиборга олинади. Бу борада таҳлил аниқ инсонга қаратилган бўлиб, уни махсус тадқиқот мавзусининг объектига айлантиради;

- инсоннинг қадри, яъни уни ижтимоий жараёндаги ўрнини, атроф муҳит ва бошқа кишилар учун аҳамиятини, жамиятдаги мавқеи ва бошқаларни тадқиқ қилиш ҳам мумкин. Бу борадаги таҳлил инсоннинг ижтимоий – тарихий аҳамиятини ўрганишга асосланади;

- шахснинг маънавий олами, қиёфаси, қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари, фаолияти билан боғлиқ қадриятлар тизимини ҳам таҳлил қилиш мумкин, бунда асосий эътибор қадриятларнинг шахсий даражада намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларига қаратилади.

Инсон тарихий тараққиёт жараёнида турли хислатлар, сифатлар ва хусусиятларга эга бўлган, маънавий – ахлоқий жиҳатларини қиёфасида акс эттиради. Шу билан бирга у оламда ижтимоий муносабатда бўлиш, одамлар билан муомала ва алоқага киришиш, меҳнат қилиш асосида моддий ва маданий бойликларни вужудга келтириш, тафаккури, ҳис-туйғулари, фикрларини тил воситасида ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлган умумижтимоий вужуд ҳамдир.

Инсон жамиятсиз яшай олмаганидек жамият ҳам инсонсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай жамият ўзини ташкил қилиб турган кишиларнинг

фаолияти, ўзаро муносабати ва умргузоронлиги билан тирикдир. Шу маънода инсон – ҳар қандай жамият бор бўлишини таъминлаб турадиган асосий ижтимоий элементдир. Бундай таъминланиб туриш инсоннинг индивидуал – шахсий иштироки орқали, яъни бирор гуруҳ, қатлам, синф, қавм, элат, халқ ёки миллат доирасидаги фаолият, оила ва турмушдаги хатти-ҳаракати, амалга оширадиган ишлари, яратган бойликлари, ўзига ва ўзгаларга нисбатан муносабати орқали намоён бўлади.

Инсон қадри унинг ижтимоий хусусиятлари, жамиятда амалга оширган фаолияти, бошқаларга ва атроф-муҳитга муносабати, хатти-ҳаракатининг аҳамияти сифатида камолотга етганлиги, ижтимоий хусусиятларни ўзгартириб олганлиги ва уларни маънавий қиёфасида намоён қила олганлигида ҳам кўринади. Одамзотнинг шахсга айланиши ўз қадрини ва ўзгалар қадрини англаш жараёни узок йиллар давом этади. Дастлаб норасида гўдак учун она кўкрак сути, алласи энг асосий қадрият бўлса, она кўлидан тушгач, она кўкрагидан ажралган бола учун эса аста-секин атроф муҳит, ўзи яшаётган макон, ўзга кишилар ва ўзи ҳам қадриятга айланиб боради. Бу борада у ўз шахсий эҳтиёжи ва мақсадларини ўзига хос “қадрият кўзгуси” орқали кўради, ўзига керакли ва зарур нарсаларни муҳайё қилишларини кўпроқ хоҳлайдиган, талаб қиладиган бўлиб қолади. Болалар ҳаётининг кўпгина тадқиқотчилари камолотнинг бу муҳим даврида ўз қадрини ошириш ва шахсини севиш, яъни уларда болалик эгоизми кўпроқ мавжуд бўлишини таъминлайдилар.

Албатта инсон илк болалик дарида қолиб кетмайди, ота-она, қариндош-уруғ, дастлабки ўқитувчилар унинг қадриятлар мезонини англашида муҳим ўрин тутадилар, шу тариқа инсон камолот сари боради. Бу жараёнда етук шахсга айланиш имконияти бўлган одамзот наслининг ҳар бир вакили оилавий, маънавий-ахлоқий, миллий,

ижтимоий қадриятлар таъсирида тарбияланади, шу билан бирга унинг шахсий жиҳатлари, қадрланган сифатлари ва хусусиятлари камолотга етиб боради. Бу жараёнда шахснинг ўзи ҳам ижтимоий қадрли вужуд сифатида шаклланиб, ўз қадрини намоён қилиб боради.

Инсоннинг бутун умри шахсий қадриятларни такомиллаштириш, ўз қадрини камолга етказиш, ўзгалар, жамият, замон, ундаги содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. “Қарилик” иборасини инсонга биологик маънода ишлатиш мумкин, аммо бу тушунчани инсон қадрига нисбатан ишлатиш ножоиздир. Зеро, қарилик қадрсизланиш бўлмагани каби ёшлик ҳам беқадрлик дегани эмас.

Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Ушбу маънода, Сукротнинг “Ўзингни англа!” шиори ғоят катта аҳамият касб этади. Ўз қадрини англашнинг объектив, субъектив, ижтимоий ва шахсий томонлари бир-бири билан доимий алоқададир. Улар инсон табиатининг турли жиҳатларидир. Шахснинг қадри у яшаётган замон ундаги жараёнлар, ижтимоий тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорлиги намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс қадрини шакллантириб, сайқаллаб боради, унинг ўзи эса ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлигини чуқурроқ англаб олиш томон бўлади.

Ҳозирги даврда муайян даврда кишиларнинг қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

-табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга нисбатан муносабати, ушбу жараёнлардаги ўрни ва фаолияти;

- турли ирқ, миллат, ижтимоий қатламларга мунсуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва қадриятларга интиладиган кишиларга муносабати;

- ўз-ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жамиятдаги ўрнига нисбатан муносабат;

- меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисодий борада, жараёнларда иштироки, жамиятдаги моддий эҳтиёжларни қондириш ва моддий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссаси;

- сиёсий ўзгаришлар, жамиятни демократиялаштиришда катнашиши, бу жараёнда қандай мақсадларни кўзлаётганлиги;

- жамиятда қарор топган қадриятлар тизими тез ўзгариб кетган ҳозирги даврда қандай позицияни эгаллаши, ўзини қандай тутиши, бу жараёнда иштирок этиши билан боғлиқ фаолияти;

- ҳозирги даврдаги унверсал технологиялар ишлаб чиқариш ва бошқариш воситаларининг замонавий талабларга ҳозиржавоблиг, бу борада малакаси, қобилияти ва кўникмаларини такомиллаштириш учун амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари;

- табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик ва иқтисодий таъминланганлик борасида талаб ва эҳтиёжларини маънавий – ахлоқий камолоти ва амалий фаолияти билан уйғунлаштира олиши;

- маънавий баркамоллиги, ахлоқий камолоти ва нафосати, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётганлиги;

- ўзининг шахсий, миллий, диний, ирқий, синфий ва бошқа соҳалардаги манфаат ва мақсадларини талаб ва эҳтиёжларини интилиш фаолиятини умуминсонийлик талабларига мослаштира олганлиги;

- махдудлик, манқуртлик, маҳаллийчилик, миллатчилик, хурофот ва бошқа бидъатларнинг моҳиятини тўғри англаб олганлиги уларга нисбатан муносабати ва бошқалар.

Юқоридаги жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда шахс қадрини баҳолаш ва шу асосда аниқ шахсларнинг типларини аниқлаш имконига эга бўлиш мумкин.

2.2. Шахсий қадриятлар

Ҳар бир инсон – бир олам ҳар бир киши эса бошқаларга ўхшамайдиган ўзга бир дунёдир. Инсоннинг ана шу мажозий маънодаги маънавий олами, ўзгаларга ўхшамайдиган қиёфаси ва бетакрор дунёси қадриятларининг шахсий даражада намоён бўлиш хусусиятлари билан узвий боғланган. Бу даражадаги қадриятлар тизимининг ҳар бир бўғинини алоҳида ёки тизимни яхлит ҳолда таҳлил қилишда диоликтик билиш унинг аниқлик ва мавҳумлик усуллари ниҳоятда кўп келади. Бу усулларга асосланганда, умумий ёки мавҳум кишилар эмас, балки аниқ замонавий шахс қадри ва унга боғлиқ бўлган қадриятларни таҳлил қилиш имкони очилади.

Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда шахсий қадриятлар тизимида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- одам зотининг табиий – тарихий қадриятлари;
- маънавий – ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар;
- меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ қадриятлар;
- индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи билан боғлиқ қадриятлар;
- ҳузур-ҳаловат билан боғлиқ “гедоностик” қадриятлар;
- қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ қадриятлар;
- ҳис-ҳаяжон, туйғулар билан боғлиқ “эмоционал” қадриятлар.

1.Инсоннинг табиий-тарихий қадриятлари унинг биологик жонзод, тирик вужуд сифатидаги яшаши, сиҳат-саломатлиги, туғилиши, ўлим ҳаёт кечириш даврлари, болалик, ўсмирлик, йигит ва қизлик, эркак ва аёл, қарилик онлари билан боғлиқ намоён бўлади. Табиий қадриятлар ҳар бир тирик вужуд каби одам зотининг ҳар қандай авлоди, қавми, миллат ва элатга тегишлидир. Шу маънода табиий – тарихий

қадриятларга эга бўлмаган ижтимоий субъект ёки шахсни учратиш қийин. Ҳар бир киши, эл, элат, халқ, миллат ва қавм учун табиий-тарихий қадриятларнинг мавжудлиги ижтимоий зарурият ҳисобланади. Бу заруриятни эътироф этиш умуминсоний талабдир.

2. Шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан боғлиқ, нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ шахсий қадриятлар диоликтик уйғунликда намоён бўлади. Улар умуминсонийликнинг шахс қиёфаси билан боғлиқ намоён бўлиш даражасини ифодалайди. Маънавий – ахлоқий қиёфа, нафосат ва гўзаллик билан боғлиқ шахсий қадриятларнинг ҳар бир шакли кишиларнинг жамиятдаги бирор типини ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиши мумкин. Бу шакллар эса ниҳоятда хилма-хил бўлиб улар қуйидагиларда кўринади:

- шахс умри ва ҳаётининг маъноси, яъни яшашдан мақсад, хотира, мерос, ворислик, орзу-умид, бахт-саодат ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

- шахснинг атроф-муҳит, ватан, давр оила ва турмуши, севги-муҳаббати, ота-она ва фарзандлари, турмуш гўзаллиги ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

- шахснинг эркинлиги, озодлиги, тенглик, эътиқод, ахборот олиши, мукка эгалик қилиш, яшаш жойларини танлашдаги мустақиллиги, дахлсизлиги билан боғлиқ қадриятлар;

- шахснинг маъсулият, яъни ижтимоий заруриятларини англаши, ор-номуси, бурчи, виждони, кадр-қиммати ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

- шахснинг нафосати, маънавий гўзаллиги, эстетик туйғучи, диди, маданияти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташқи муҳитга нисбатан нафосатли муносабатига алоқадор қадриятлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек ушбу қадриятлар орқали умуминсонийлик шахсий даражада, муайян кишининг қиёфасида қадрият сифатида намоён бўлади. Қадриятларнинг бу даражада намоён бўили нисбий хусусиятга эга бўлсада, аммо улар алоҳида кишилар, уларнинг ҳаёти, фаолияти, жамиятдаги мавқеи ва ўрни учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

3. Ҳаётда иқтисодий жиҳатларга кўпроқ эътибор берадиган, уларга фойдалилик нуқтаи – назаридан қарайдиган шахслар учрайди. Бундай кишиларнинг айримлари мол-мулкка эга бўлишга кўпроқ ҳаракат қиладилар, пул, бойлик орттириш, улардан фойдаланиш йўлларини яхши биладилар. Бошқа шахслар билан муносабатда дўстлар орттириш куда-андачилик ва шу қабиларда ҳам бу жиҳат етакчилик қилади. Бундай кишилар учун моддий манфаат олиб келадиган муносабат ёки фаолият қадри бўлиб, қиммат нарсалар кўпроқ фойдалидир. Яқин ўтмишимизда бундай кишилар танқид қилинар эди.

А. Авлоний таъкидлаганидек, “Иқтисод, деб пул ва мол қабил неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас. Ўрни келганда сўмни аямас. Саховатлик зидди бахллик ўлғони қабил, иқтисоднинг зидди исрофдир”. Алломанинг иқтисод борасидаги шахс қадрини оширувчи сифатлари тўғрисидаги бу сўзлари замонамиз учун ниҳоятда долзарб, аммо унинг қуйидаги фикри ундан ҳам долзарбдир. “Ҳозирги замонда мақсадга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халққа мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги барча миллатларнинг ҳол ва қудратлари бойликлари ила ўлчанур. Ҳар ерда бой миллатлар ... хўжа ўлғонидек, фақирлари ... қул ва асир бўлиб қоладур. Сўзнинг қисқаси, ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва марифат ила

баробар иқтисод, бу борасинда инсоф, туганмас сазй, битмас ғайрат лозимдур”.

4.Шахснинг “гедонистик” (грекча – хузур-халоват) қадриятлари хузур халоват ва лаззатли ҳаёт кечириш билан боғлиқ бўлган фаолият, хатти-ҳаракат, муносабат, эҳтиёж, талаб ва интилишларда ўз ифодасини топади. Албатта, ҳар бир инсон хузур – халоват кўриш шод-хуррам яшашни истайди, орзу қилади, бунга эришиш йўлларини қидиради.маънода бу қадриятлар шахсни фаолият юритишга ундайди. Кўпгина кишилар ўз умрини тинч хузур-халоватда шод-хуррамликда ўтказишни бу борада бошқаларга ҳалақит бермасдан, ўзгалар ҳисобидан эмас, ўз меҳнати, қобилияти орқали шундай ҳаёт кечиришга эришишни орзу қилади. Улар орзусида тўла хузур-халоватда яшаш қийин эканлигини, ҳатто бунинг иложи йўқлигини таъкидлайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Моддий бойликларни тақсимлашда, нисбатан одамларнинг тенглигига эришиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланадиган қамбағал жамият билан яшаш шароити баланд моддий бойликлари бисёр кишиларнинг маънавий эҳтиёжи, қобилияти ва таланти учун кенг имкониятлар яратиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланадиган жамият ўртасидаги фарқ катта. Улар орасидаги фарқ гедонистик қадриятларга нисбатан муносабатда ҳам намоён бўлмасдан иложи йўқ.

5.Шахснинг жамият, ижтимоий тизимда эгаллаган мавқеи, амали, жамоа ва муҳитдаги ўрни билан боғлиқ ижтимоий мавқега алоқадор қадриятлари ҳам мавжуд. Улар фақат шахсий доирада қадрият саналиши, шахсий қадриятлар тизимида муайян ўрин эгаллаши мумкин. Шахснинг мавқеи билан боғлиқ қадриятлари амал, бошқарувчилик, пешқадамлик билан боғлиқ қадриятлари, хусусиятларини тарбиялаш кишиларнинг ижодийлиги ва изланувчанлигини оширишга ундайдиган

омил вазифасини ўташи мумкин. Шахснинг мавқеи билан боғлиқ кадриятлари амал, бошқарувчилик, пешқадамлик билан боғлиқ хусусиятларини тарбиялаш кишиларнинг ижодийлиги ва изланувчанлигини оширишга ундайдиган омил вазифасини ўташи мумкин. Улар жамиятда юқори мавқеини эгаллаганидан обрў-эътиборли саналадиган одамларни кўпроқ кадрлайдилар. Шундай кишиларнинг насихатларига кулоқ тутадилар, фикрларини ўрганадилар, уларга эргашадилар, турмуш тарзидан ибрат оладилар, ўзлари ҳам ҳаётда ёки муайян жамоада юқори лавозимни эгаллашга ҳаракат қиладилар.

Шахснинг ижтимоий камолоти ва мавқеи билан боғлиқ кадриятлари кўп ҳолларда уни кунт билан ўрганишга сабоқ олишга ўз устида ишлашга ҳаёт дипломатияси алифбосини эгаллаб олишга ундайди. Бундай кишиларнинг кўпчилиги ўзларига дўст – ёр орттириш, қўшнилар, ҳамроҳларни танлашда ҳам юқоридаги жиҳатларга эътибор берадилар. Бундай кишиларнинг, бундан ташқари ўз фаолиятлари учун зарур бўладиган янгиликлари, сиёсий ва мафкуравий ўзгаришларни тезроқ англаб олади ва давр йўналишларига ҳозиржавоб бўлишга ҳаракат қиладилар. Жамият ва миллатнинг тақдири ҳам улар учун бегона эмас.

6.Шахснинг интеллектуал кадриятлари унинг қобилияти, билими, истъдоди, таланти, уларни рўёбга чиқариш имконияти ва бошқалар билан узвий боғланган. Бу кадриятлар билан боғлиқ муаммолар ижтимоий билимларнинг азалий мавзуларидан биридир. Қадимги Греция ва Рим фалсафасида ҳам, Шарқ ва Осиё мутафаккирлари қарашларида ҳам инсон ақли, қобилияти, истедодининг аҳамияти ва кадри ғоят баланд деб ҳисобланган. Ҳозирги замонда инсоннинг бу соҳадаги кадриятлари аҳамияти ниҳоятда ошиб кетди, унинг интеллектуал кадриятларга эҳтиёжи кучайиб бормокда. Бундай

шароитда интеллектуал кадриятларни таҳлил қилиш муаммолари катта аҳамият касб этмоқда.

Қобилият, истеъдод ва талант ҳаммада ҳам бир хил ривожланавермайди ва бир текис намоён бўлмайди. Бу кадриятлардан шахснинг фаолиятида фойдаланиш ниҳоятда тез ва ижобий натижалар бериши ҳам мумкин, гап уларни тўғри тарбия қилиш, рағбатлантириш, ҳаққоний баҳолашдадир.

Интеллектуал кадриятлар камёб бўлиб, жамият, илм-фан, ижод ва кашфиётлар учун ниҳоятда зарур. Ана шу сабабдан ҳам иқтидорли, қобилиятли, истеъдодли кишиларни асраб-авайлаш, уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ижобий натижалар беради. Ҳозирги даврда бундай кишиларга талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш талаблари ўсганлиги, электроника, кибрнетика, автоматика ва умуман фан-техника ютуқларидан ҳамма соҳаларда кенг фойдаланиш, янги технологияларни жорий қилиш зарурияти интеллектуал кадриятлар аҳамиятини ошириб, ана шу кадрият шакли хос бўлган ёш авлодни камол топтиришни кун тартибига қўймоқда.

7.Шахснинг эмоционал кадриятлари асосан ҳис-туйғуларга, кайфиятларга, кучли ҳаяжонларга боғлиқ бўлади, кўпроқ руҳий ҳаяжонлар оқибатида фаолият юритадиган даврда шахслар қадрини белгилайди. Улар икки хил: кишининг эмоционал таъсиридан кейин тезкорлик ва шиддат билан ижобий ҳаракат қилишга ундаши; ёкисалбий, ниҳоятда суст фаолият юртишга, саромимага олиб келиш мумкин. Эмоционал кадриятлар муайян даражада кишилар фаолиятини ва хатти-ҳаркати тартибга солиб туриши мумкинлигидан шахс маънавияти учун катта аҳамиятга молик.

Демак, инсон табиатининг энг олий мўжизаси, тарихий тараққиётининг ижтимоий маҳсули сифатида жамиятдаги асосий

кадриятдир. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий одиллиги унда умуминсонийлик мезонларига амал қилиниши, пировард натижада инсон қадрининг қай даражада эканлиги, шахснинг индивидуал кадриятларини ноёб қилиш учун имкониятлар яратганлиги билан боғлиқ. Ҳар қандай киши ўз кадриятлари, уларнинг турли шаклда намоён бўлиши натижасида бошқалар ва жамият учун қадрлидир. Инсон нафақат кадриятлар дунёси, балки ўз қадри ва унинг намоён бўлиши учун ҳам маъсулдир. Бу маъсуллик эса ўз навбатида унинг қадрини шакллантирадиган асосий мезонлардлан бири бўлиб ҳисобланади.

2.3. Қадрлаш ва кадрсизланиш туйғуси

Кишиларда қадлаш туйғусини шакллантириш ва тўғри тарбиялаш ниҳоятда муҳим. Бу туйғу инсонга она сути, ота васияти, боболар ўғити, авлодлар ёди, мозий сабоқлари билан бирга ўтади, мерос қолади. У фақатгина меросий туйғу эмас, балки кишининг бутун ҳаёти давомида тарбияланади, сайқалланади, бирор йўналиш асосида такомиллашади, турли даражада намоён бўлади. Қадрлаш туйғусининг қандай шаклланганлиги қадрлаш даражаларида кўзга ташланади. Шахсий даражада у инсоннинг маънавий камолотини, унинг қандай қадриятларини устивор билишини, бу қадриятларни барқарор қилишдаги фаолиятини ифодалайди. Қадрлашнинг миллий ёки умуминсоний даражаларида эса муайян миллатнинг маънавий етуклиги, жамиятнинг баркамоллиги, ундаги мавжуд ҳаёт тарзининг инсонпарварлиги намоён бўлади. Аммо, ҳаётда доимо ҳам қадрлаш мўлжаллари тўғри белгиланавермайди, гоҳида қадрлаш мезонларига амал қилинмайди ёки уларга аҳамият берилмайди. Бу эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Жаҳон тарихи шахсий мавжудлик, миллий манқуртлик, буюк давлат Шовинизми маъносиз космополитизм, фошистларчаолий ирқ даъвоси каби иллатлар пайдо бўлмаслиги учун қадрлаш меъёрлари ва қадрият мўлжаллари тўғри белгиланган бўлиши улар кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятининг маънавий мезонларига айланиши лозимлигини исботлаб турибди.

Қадрлашнинг меъёр ва қадрият мезонлари қадрлаш туйғуси натижасида шаклланган маънавий камолот ва ижтимоий комиллик даражасида, ахлоқий етуклик, нафосат, маданиятлилик, ҳуқуқ ва одилликнинг зарурий талабларини ўзида акс эттирадиган аксиологик тушунчадир. Бу тушунчалар остида турмушнинг қоғозларда ёзилмаган, ақл ва идрок билан англаб оладиган, ўқиб эмас, уқиб оладиган ҳаётий

конуниятлари талаб ва нормалари ифодаланган. У ёки бу нарсa воқеълик шакли, киши унга хос фаолият ва хусусиятни қадрлашда ана шуларга эътибор бермоқ керак.

Қадрлаш меъёрларининг бузилиши кўнгилсиз ҳолларда маънавият талабларининг сайқаллашига олиб келади. Бундай ҳоллар ижтимоий субъектларнинг фаолият кўрсатиш даражасига эътироф этилган ҳолатига боғлиқ бўлади. Масалан: шахсий қадриятлар борасида бу ҳол куйидагиларга яққол кўринади: ўз ҳислат ва хусусиятларини ортиқча кўз-кўз қилиш\ . Мақтончоқлик ва тантиқликка, юз кўзларига ортиқча оро бериш, ҳақиқий гўзалликни бузилишига, бошқаларга муносабат ва муомаладаги хаддан кўп жаҳду-жадан қилмоқ ҳамда ортиқча шиддат кўрсатмоқлик ғазабга олиб келади. Бу билмасдан қилинган бундай нодонлик – жаҳолатга олиб келади. Бу салбий хусусиятлар билан бирга шахват, адоват, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, нифоқ, тама, зулм кабиларнинг ҳар бири умум томонидан эътироф этилган ахлоқий қадриятлар мезони ва қадрлаш меъёрларининг бузулганлиги, муайян қадрсизланиш намоён бўлаётганлигини ифодалайди.

Тўғри тарбияланган қадрлаш меъёрлари диёнат, шижоат, қаноат, сабр, интизом, виждон, ор-номус, гўзаллик, нафосат, иффат, ҳаё, идрок, садоқат, вафо, бурч, тўғрисўзлик, олийҳимматлилик, одиллик ва бошқаларда яққол намоён бўлади. Маънавиятнинг ушбу жиҳатлари ахлоқ, ҳулқ ва бошқа соҳалардаги қадрлаш меъёрлари қандай бўили лозимлигини англатади.

Қадриятнинг қадрсизланиши бирданига ва тасодифан рўй бермайди. Қадрсизланиш – муайян аксиологик жараёнدير. Юқорида таъкидлаганимиздек, моддий соҳада қадрсизланиш маънавий соҳадан фарқ қилади. Бир моддий асбоб – ускуна, жисм ёки нарсa вақт ўтиши билан эскириши, қадр-қимматини йўқотиши мумкин. Аммо,

бирор нарсанинг керакли ёки кераксиз бўлмай қолиши унинг бутунлай кадрсизланишини англаб бериш халқлар ҳам учрайди. Бундай ҳолларда кишилар қадрият “объекти”ни эсталик сифатида сақлаб юрадилар, улар музейлардан жой оладилар ёки бирор-бир тарзда сақлаб қолинадилар. Франциянинг пойтахти Париждаги Эйфель минораси ўзининг асл функциясини бутунлай йўқотганида ҳам французлар учун қадрини йўқотмайдиган қадрият объектидир. Улуғбек расадхонаси қолдиқлари орасидан топилган аструлаб (секстант) ҳам бугунги кундаги астрономик изланишларда амалий фойдаланишга ярамайди. Аммо уни буюк бобоқолларимизнинг назари тушган ёдгорлик сифатида ўз қадрини йўқотган дея айтишга ким журъат қиларкин? Шахрисабзда Амир Темур ўзи учун қурдирган хилхона бор. Тўғри унда Темурнинг қабри бўлмаганлиги учун ўз тарихий аҳамиятини йўқотармикан? Асло йўқ!

Маънавият билан боғланган қадриятлар ўзининг намоён бўлиш шакли ва замона реалликлари билан алоқадорлигига қараб қадрланиш ёки кадрсизланиш хусусияти жиҳатидан фарқ қилади. Масалан, инсоният жамияти учун моддий ва маънавий бойликларини ишлаб чиқариш жамиятни янги авлодлар билан тўлдириб туриш тараққиётга эришиш тинч-тотувлик ва ижтимоий барқарорлик доимо ўз қадрини сақлаб қолади.

Миллат учун ҳам ўз-ўзини тўлдириб туриш, яъни миллатнинг келажагини таъминлаш, унинг урф-одатлари, анъаналари, тили, маданий ва маънавий бойликларини сақлаш доимо ҳам қадрли бўлиб қолаверади. Вақт шамоллари уларнинг аҳамиятини йўқотмайди ўчириб юбора олмайди.

Ҳар бир қадрият объектини қадрлаш мезони бор. Бу мезон у ёки бу қадриятни қадрлашнинг объектив меъёрини аниқлатади. Ана шу

меъёрнинг бузилиши у ёки бу қадрият қадрининг, бир томондан хаддан ортиқ мутлоқлаштириш, иккинчи томондан эса, аксинча бу қадрнинг мутлақо эътиборга олинмаслигига сабаб бўлади. Хуллас, қадрлаш меъёрларининг бузилиши, ҳар қандай ҳолатда ҳам қадрсизланишнинг асосий сабабларидан биридир.

Шахсий қадриятларни хаддан ортиқ мутлоқлаштириш охир оқибат шахсий эгоизмга, бу даражадаги қадриятларнинг қадрсизланишига олиб келади. бундан ташқари, қадриятларнинг шахсий даражада қадрсизланиши, баъзида умр маъносининг қолмаганлиги, маънавий тушкунлик, ҳаётдан тўйиш, яшашдан воз кечиш тарзида ҳам намоён бўлади.

Қадриятларни шахсий даражада қадрсизланишида: а) шахс қадрини хаддан ортиқ бўрттириш; б) шахс қадрият объекти сифатида қадрсизламаслик; в) баъзи қадриятларнинг шахс учун индивидуал тарзда қадрсизланиши; г) шахснинг қадрият қадрини яхши англамаганлиги, билмаслиги, тушунмаганлиги билан боғлиқ сабаблар мажмуини кузатиш мумкин.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида инсонларнинг организмларида у ёки бу тарздаги ўзгаришлар юз бериб келмоқда, бунинг натижасида уларнинг катталашуви ёки кичиклашуви, пишиқлашуви ва мўртлашуви билан антропогенетик, фоногенотипик, морфологик, конституцион тузилишларга маълум таъсирини ўтказади. Организмнинг таркибла-рини юзага келтирувчи моддалар (заррачалар) нисбатининг (архикортекс, палеокортекс, неокортекс қисмларй орасидаги муносабат камайиши ёки ортиши) табиий равишда ўзгариши уларнинг тириклик, ташқи таъсирларга чидамлилиги (мўртлиги), функцияси, яъни ички тузилишининг ўзига хос томонларини келтириб чиқаради. Биосфера билан неосфера ўртасидаги узлуксиз равишдаги

алоқаларнинг мавжудлиги бир текис, муайян қонуният асосида ҳаракатланиш билан бир қаторда нотекис (ғайритабиий, хаотик) ҳаракатлар ҳам амалга ошиб туришлигини илмий жиҳатдан тан олиш зарур эканлигини тақозо этмоқда. Аجدодларимиз осмон жисмлари ҳаракатларини кузатиб у ёки бу тарздаги фалокиёт илми — мўъжизаси тўғрисида башорат (прогноз) қилишлари негизида ҳам қандайдир эмас, балки аниқ, амалий кузатишлар (визуал тафаккур) маҳсуласи маълум давр ва даврийлик қонунияти асосида ҳаракатланишнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати мужассамлашганлигидан далолат беради. Мунажжимларнинг башоратлари мутлақҳақиқат бўлмаса-да, лекин уларнинг мазмунида (коса тагида нимкоса деганларидай) маълум даражада оқиллик, аجدодлардан авлодларга ворислик сифатида ўтувчи ижтимоий, илмий-амалий тажриба ётишини унутмаслик жоиз. Хурофат тариқасида ҳар қандай ғояни танқид қилишдек осон йўл йўқ, аммо инкор сиёсий, синфий ёрликлар асосига қурилиши ижтимоий тараққиёт (прогресс), ижтимоий маданият (цивилизация, социокультура) учун салбий (негатив) оқибатларни олиб келади, жадаллик (интенсификация) ўрнини тўхталиш (тормозлаш) эгаллайди, натижада илмий ғоялар баҳси эски қолипдаги измларнинг (материализм ва идеализм) муросасиз кураши талқини билан ўрин алмашиш хавфи туғилади. Бундай нохуш илмий сафсаталарнинг олдини олиш учун ижтимоий-тарихий тараққиёт даврида инсоният томонидан тўпланган хилма-хил қарашлар, ёндашишлар, талқинлар, тавсифлар, таълимотлар, стереотиплар, хуллас барча маънавий бойликларни чуқур ўрганиш, таҳдил қилиш орқали омилкор томонларини топиш ва улардан одилона фойдаланмоқлик даркор. Шу мулоҳазали фикрни такрор-такрор таъкидлаш жоизки, табиатдаги хоҳ қонуний, хоҳ ғайритабиий (хаотик) ҳаракат бўлишдан қатъи назар, биосферага ҳар хил заррачалар, моддалар борлиқ бўйича

кенг тарқалиши, осмон жисмларининг ўзаро бир-бирига яқинлашуви ҳаддан зиёд ҳарорат кўтарилиши, иссиқликнинг меъёридан ортиқча тақсимланиши, нурлар (нурланиш) кўпайишига олиб келиши, уларнинг оқибатидатабiiй офатлар (кўргиликлар) пайдо бўлиши мумкин. Худди шу боисдан аждодларимизнинг маънавиятида давр ўзи учун зарур алломаларни ва бетакрор шахсларни бир асрда ёки ундан ҳам ортиқ даврда (муддатда) яратади, деган башорат куриқ мушоҳада эмас, балки табиатдаги ўзгаришлар, муносабатлар, мувофиқликлар, мурожаатлар, инсон камолоти учун энг қулай (сензитив) моддалар билан таъминлаш тўғрисидаги (унинг мағзидаги) табиий майл, лаёқат, истеъдод, иқтидор, салоҳият кабиларнинг бақувват ҳаракатчан нишонлари, аломатлари имконияти юзасидан илмий ғоя ётади. Шунинг учун халқ, этнос, улис ўртасида доҳий, даҳо ҳар куни туғилмайди, балки унга нисбатан жуда кучли эҳтиёж сезилгач, ижтимоий зарурият устуворлик қилганда, эволюцион қонуният эса имкон берганда, вазият пишиб етилганда ихтиёрсиз равишда содир бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, қадрлашнинг тескари бўлган қадрсизланиш кўпқиррали мураккаб аксиологик жараёндир. У хилма-хил соҳаларда, турлича тарзда ўзига хос шаклларда намоён бўлади.

2.4.Мустақиллик ва янги қадриятлар тизимининг психологик асослари.

Тарихий ривожланишнинг ҳар бир босқичига хос қадриятлар тизими бўлиши тўғрисида фикр юритдик. Мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлолига асосланадиган янги қадриятлар тизимининг шаклланиш жараёнидаги асосий йўналишларни ўрганишни заруриятга айлантирди.

Ушбу масалани ойдинлаштириш учун тарихга мурожаат қилиш ундан ташбеҳлар излаш мумкин. Ҳолбуки, дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бирига мансуб бўлган, ўз излари билан асрлар қарига бориб тақаладиган ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига оладиган халқларимиз тарихи мустақил Ўзбекистон ва минтақамиз давлатларида шаклланаётган янги қадрият тизимлари ва уларга муносабатимизнинг камол топтириш қўядиган маънавий асосдир. Мустақил Ўзбекистоннинг ривожи қанчалик юқори босқичларга кўтарилиб бораверар экан тарих саҳифаларига мурожаат қилиш орқали келажакка йўл учун ундан ташбеҳлар излаш эҳтиёжи ҳам шунчалик ортиб бораверади.

Аммо ҳаёт фақат тарихдан иборат эмас тарих нақадар серқирра ва сермаъно бўлмасин бугунги ва келажакдаги ўзгаришларни тўла – тўқис қамраб ололмайди, балки келажакда тарихга айланадиган жараёнларга асос бўлади халос. Ижтимоий тараққиёт эса тарих силсилалари, турли қарама – қаршиликлар ва зиддиятлар орасидан ўзига йўл очиб боради. Унинг замондаги бундай илгариланма ҳаракати жамият ҳаётининг умумижтимоий қонуниятидир. Бу қонуният қадрият тизимлари уларнинг таркибий қисмларидаги ўзгаришлар диалектикаси учун ҳам умумийдир. Қадрият тизимларининг замона зайллари таъсирида ўзгариши ва давр реалликларига мос ҳолатга келиши ҳам ана шу

конуниятга бўйсунди. Бу жараёнда ўзгаришлар воқеа ҳодисаларнинг замондаги кетма-кетлиги тарзида рўй беради. Диалектик тафаккур эса ана шу давомийликнинг инъикоси сифатида намоён бўлади ва кадриятларнинг ўзгариши, янги кадрият тизимларининг вужудга келиши жараёнини англаб олиш имконини беради. Ҳозирги даврдаги замона силсилалари ва муаммолари орқали шаклланаётган кадриятлар тизимининг вужудга келиш жараёнини тасаввур қилмоқ учун ҳам диалектик тафаккур усулларига мурожаат қилишга тўғри келади.

Аммо жамиятнинг туб бурилиш даврларида кадриятлар тизими, кишиларнинг уларга муносабати ўзгариши шунчалик шиддатли тус олдики бу жараённинг тезкор суръатларини англаш, изоҳлаш ва асослашга энг диалектик тафаккур усули ҳам улгура олмай қолади. Биз тадқиқотларимиз давомида бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик. Бу даврда умримизнинг собиқ СССР кадриятлар тизими билан боғлиқ даври ўтмишга айланди. Заминимизда яшаётган ва бизга замондош бўлган кишилар ҳаётида янги давр бошланди, яъни мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлолига асосланган янги кадриятлар тизимини барқарор қилиш, бу тизимда умуминсоний, миллий, мафкуравий, синфий, диний, иқтисодий ва бошқа кадриятларнинг диалектик уйғунлигига эришиш, инсон қадри, қобилияти, истеъдодини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратиш борасидаги долзарб вазифаларни ҳал қилиш ҳозирги авлод умрининг мазмунига айлана бошлайди.

Хўш, Ўзбекистонда янги кадриятлар тизимининг вужудга келишини қандай шароитлар тайёрлайди? Бунда инкор ва ворислик диалектикаси қай тарзда намоён бўлади?

Бу саволларга асосли ва илмий жавоб бермоқ учун собиқ СССР ҳаётининг сўнгги йилларидаги таназзул даврини атрофлича таҳлил қилмоқ лозим.

Хуллас, кадриятлар тизимида асосий қисмларга нисбатан муносабат борасида юқоридагидек салбий ҳоллар кузатилаётган собиқ совет иттифоқида биз таҳлил қилаётган кадриятлар соҳасида ҳам ўзига хос қуйидаги ҳолатлар юзага келади:

1. Умуминсоний кадриятлар борасида: а) 80-йилларнинг ўрталаригача партиявий, синфий ва мафкуравий кадриятларни ушвор билиш, уларни бутун халқ мақсадларига жавоб беради деб ҳисоблаш оқибатида кўпгина умуминсоний кадриятларнинг мазмуни ўзгариб кетади. Мазмуни ўзгартирилган кадриятлар эса назарияда ушвор ҳисоблангани билан сиёсатда қуруқ ишораларга айланиб қолади; б) 80-йилларнинг ўрталарида умуминсоний кадриятларнинг ушворлиги назарий жиҳатдан эътироф этилгани билан, бу қоида ҳаётга тадбиқ қилинмади, энг умумий кризис даврига кирган жамият эса эълон қилинган умуминсоний кадриятлар мезони талабларини қабул қила олмади; в) кишиларнинг шу давргача энг асосий умуминсоний кадрият сифатида эътироф этиб келинган ғоялар нисбатан ишончли эртанги кунга бўлган эътиқоди йўқола боради; г) умуминсонийлик талаблари сифатида қараб келинган ва мафкуравий тарғиб қилинган “пролетор интернационализми”, “коммунистик ватанпарварлик”, “социалистик миллатлар ҳамдўстлиги”, “совет халқи” каби мавҳум кадриятлар ва улар билан боғлиқ кадриятлар шакллари ўз мавқеини йўқота бошлайди. Ана шундай жараёнлар оқибатида номутоносибликлар кўпайиб кетади, умуминсоний кадриятлар билан боғлиқ хусусий тизимнинг амалиётида эса зарурий ўзгаришларга эҳтиёж кучайиб боради.

2.Миллий қадриятлар борасида: а) “миллатларнинг гуллаб-яшнаши қоидаси” амалга ошганлиги, уларнинг яқинлашиш ва “янги этнос” – “совет халқи”ни вужудга келтириш жараёнини сунъий тезлаштирилганлиги оқибатида, миллат ва элатларнинг ўз генофондини табиий – тарихий бетакрорлигини ва хатто этник макони билан боғлиқ ватан туйғусини йўқотиш хавфи вужудга келади; б) миллат, элат ва халқлар устидан ҳамда уларнинг тарихий – этник маконида турли “тажриба”ларнинг тўхтовсиз олиб борилиши натижасида муайян миллатларда нафақат ватан туйғуси балки ўз этник маконини йўқотиб қўйиш эҳтимоли пайдо бўлади. Бу хавф экологик тангликлар оқибатида янада кучайиб кетди; в) умуминсоний қадриятлар устиворлиги эълон қилинган 80-йиллар ўрталари ва охирларида ҳам миллий сиёсатда айтарли ўзгаришлар бўлади, бир қанча республикалар айниқса, Болтиқбўйи ва Кавказорти давлатларидаги халқ ҳаракатларининг куч билан бостирилиши ва бошқалар иттифокда миллий сиёсатда айтарли ўзгаришлар бўлмади, бир қанча республикалар айниқса, умуминсонийлик талабларининг устиворлиги ҳақидаги фикрлар курук шиорлар бўлиб қолмаётганлигини намоён қила бошлайди; г) иттифок ҳудудида яшаётган халқ ва миллатлар орасида миллий ўз – ўзини англаш тарихий меросини ўрганиш, миллий республикаларни халқаро муносабатларнинг ҳақиқий субъектига айлантириш учун ҳаракатнинг кучайиб бориши миллий руҳнинг ўзгариши, миллий мустақиллик ғояларининг кучайиши, миллий республикаларда президентлик сайловлари ва мустақиллик тўғрисидаги умумхалқ референдумлари ўтказилиши умумсовет миллий қадриятлар тизимини бутунлай бузиб юборади. Бу соҳадаги мазкур ҳолатлар иттифокдаги миллий қадриятлар тизимини янги замон реалликларига мос келадиган тарзда ўзгариши жараёнини диалектик заруриятга айлантирди.

3. Шахсий қадриятлар борасида: а) синфий, партиявий, мавуравий, қадриятларга, яъни кўпроқ умумий ва хусусий жиҳатларга ортиқча эътибор бериш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига юзаки қараш оқибатида шахснинг қадри умумжамият миқёсида ўзининг мавукеига эга бўлмади; б) мамлакатнинг “экстенсив” ривожланиши шароитида турли умумий, оммавий ҳаракатларга эҳтиёж ва эътибор кўпроқ бўлганлигидан, алоҳида шахсларнинг ўз қадриятларини тўла-тўқис намоён қилиши учун умумжамият миқёсидаги имкониятлар кам яратилди; в) асосий эътибор КПСС ҳояларига ишонадиган, бу борадаги шиорлар, даъватлар, кўрсатмаларга сўзсиз амал қиладиган кишиларга эҳтиёж кўпроқ бўлганлиги, фаол, ижодий ва индивидуал жиҳатдан ўзига хос хусусиятларни кўпроқ сақлаб қолган кишиларни эмас, балки умумий талабларга мос келадиган (муайян, масалан, миллий қадриятларга ва ўз тақдирига ҳам жиддий эътибор бермайдиган) шахслар вужудга келишига сабаб бўлади; г) жамиятда ва кишилар ўртасидаги муносабатларда сўз билан ишнинг бир эмаслиги асосий қонунларда (Конституцияларда) эълон қилинган умуминсонийлик талаблари жамиятнинг асосий бўғимларида амал қилмаслиги шахсларнинг ижтимоий қиёфаси, маънавий камолотида салбий хусусиятлар касб этишига, кишиларни бирлаштириб турган қадриятларга бефарқ муносабат пайдо бўлишига олиб келади. Ана шундай ҳолатлар шахс қадри ва қадриятларини барқарор қилишнинг зарурий эҳтиёжлари билан бу борадаги жамиятда мавжуд бўлган имкониятлар ўртасидаги номутаносибликка сабаб бўлади.

Қадриятлар тизимининг намоён бўлиши ва амалиётида рўй берган бундай зиддиятли ҳолатлар жамиятдаги ижтимоий танглик билан узвий боғлиқлиги мавжуд эди.

В.П.Лапиннинг фикрича, собиқ иттифок ҳаётининг сўнгги йилларида жамиятнинг асосий соҳаларида рўй берган ижтимоий танглик қуйидагича намоён бўлган эди:

- сиёсий соҳада давлат фаолиятининг ҳамма шаҳобчалари ва барча даражаларида бошқариш имкони йўқолганлиги, зиддиятларнинг кучайиб, қуролли тўқнашувлар даражасига етганлиги;

- иқтисодий соҳада давлатнинг ички ва ташқи қарзи ниҳоят даражада ошиб кетганлиги, аҳоли маблағларининг қадрсизланиши, ҳамма турдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жуда камайиб кетганлиги;

- ишлаб чиқариш тизимида самарасиз ҳарбий саноат соҳасининг устунлиги, бу соҳага маблағларнинг хаддан зиёд сарфланиши, табиий меҳнат ресурсларининг ниҳоятда камайиб кетганлиги ва улардан фойдаланиш ўзини оқлолмай қўйганлиги;

Хуллас жамиятнинг ижтимоий тизимида номутоносиблик кучайганида, танглик намоён бўлганида умумий кадриятлар тизими, унинг миллий жараёнлар билан боғлиқ амалиётида ҳам зиддиятли ҳолатлар вужудга келади.

Янги кадриятлар тизими асосланадиган мезонларни аниқлашда И.А.Каримовнинг асарларига таяниш лозим. Уларда Ўзбекистонга хос янги кадриятлар тизimini вужудга келтириш ва барқарор этиш қуйидагиларга асосланиши кўрсатилади:

- Ўзбекистон халқининг ажралмас ҳукуқи — ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилганлиги;

- унинг ўлкадош беқиёс бойликнинг абадул — абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолганлиги ва республикада демократик — ҳуқуқий жамиятнинг асосларини вужудга келтиришга ҳаракат қилаётганлиги;

- республиканинг миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф – одатлари ва кўникмалари ҳисобга олинаётганлиги;

- минтақада, Мустақил Давлатлар Хамдўстлигида, жаҳондаги мамлакатлар билан алоқа ва муносабатларда тенг ҳуқуқлик ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига амал қилмаётганлиги;

Хуллас, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига ўтганлиги, унда умумий қадриятлар тизимининг шаклланиши ва барқарорлигини таъминлайдиган асосий омилларидан биридир. Мустақиллик туфайли республикада янги демократик қадриятлар тизimini шакллантириш имкони очилди.

Мустақиллик бугунги кунда Ўзбекистонда идеал қадриятдан амалиётга айланиб бормоқда. Бунда сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш халқ тинчлиги, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг камолоти қобилияти ва истеъдодини намоён қилиш учун тўлиқ имкониятларни яратиш борасида бажарилиши лозим бўлган маъсулиятли вазифалар пайдо бўлади.

Хулоса

Қадрятшунослик масалалари ҳозирги даврда ҳам назарий ҳам амалий аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йўлидан бораётган Ўзбекистонда қадрятларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини атрофлича ўрганиш ҳаётимизда умуминсоний тамойилларнинг устиворлигини таъминлаш нуқтаи назаридан бу масалаларнинг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Аввало, юртимиз цивилизациясига хос қадрятлар ривожини бу цивилизация тарихида ўчмас ном қолдирган олим, мутафаккир ва алломаларимизнинг меросини ўрганиш бу борадаги хайрли ишлардан биридир. Ана шу йўналишдаги ишлар цивилизациямизнинг умуминсоний қадрятлар тараққиётига жуда катта ҳисса қўшганлиги бошқа цивилизациялар ва халқлар маданиятига омилкор таъсир ўтказганлигини, юртимиз жаҳон маданиятининг ўчоқларидан бири бўлганлигини янада замонавий далиллар биз тавсифлаётган қадрятлар соҳасига оид тарихий асосларини, замонавий йўналишдаги аксиологиянинг шарқона изларини, унинг ҳозирги замондаги йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Аввало истиқлол йўлидан бораётган Ўзбекистонда шаклланаётган янги демократик қадрятлар тизимини аксиологик асосда тасвирлаб бериш, бунда И.А.каримов асарларида илгари сурилаётган қадрятлар борасидаги фикр, хулоса ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда республикамизда барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрятлар билан боғлиқ негизларини кўрсатиш, бу борадаги вазифаларни очишнинг самарали йўллари излаб топиш ниҳоятда муҳим.

Иккинчидан, мустақилликка асосланган янги, демократик қадрятлар тизимининг шаклланиш ва такомиллашиш, унинг умумжаҳон қадрятлар тизимининг таркибий қисмига ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг биргина таъминлайдиган маънавий мезонга

айланиш имкониятларини кўрсатиш катта аҳамият касб этади. Бу борадаги серқирра жараёни умумий бошқаришни тўғри ташкил қилиш мақсадида, “Мустақил Ўзбекистонда янги демократик кадриятлар тизимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури”ни ишлаб чиқиш ҳозирги даврда кадриятлар борасидаги амалиётнинг энг асосий масаласига айланиб қолди.

Учинчидан, кадрятшунослик муаммоси билан бевосита шуғилланувчи мутахассислар, фалсафий билимларнинг шу соҳага алоқадор олим ва тадқиқотчилари зиммасига ниҳоятда катта вазифалар тушмоқда. Кадриятлар омилининг таъсирчанлигини ошириш кишиларда замонавий аксиологик дунёқарашни шакллантириш борасида бир қатор вазифалар бор. Кадриятлар мавзуси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш доирасидни кенгайтириш, унинг жаҳон минтақада ва республикаимизга хос намоён бўлиш хусусият ва жиҳатларини таҳлил қилишни замонавий талаблар даражасига кўтариш борасида аниқ режаларни ишлаб чиқиш ва улар асосида фаолият олиб бориш зарур.

Кадриятшунослик қонунларининг маҳаллий шароитимизда қай тарика амал қилишини намоён қилиш асосида, бу фаннинг истиқболларини ва самарасини кўрсатиш учун мустақил республикаимизда жаҳон кадриятшунослиги ютуқларини кенг тарғиб қилинадиган қўлланма ва китобларни чоп этишни, аксиологиянинг замонавий муаммоларига бағишланган илмий анжуманлар ўтказишни йўлга қўйиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тўла асарлар тўплами 3 том. – Т. 1996. 386 б
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.,1997- (137-151 б) 328 б.
3. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т: 1998-32 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т: 1999. -184 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. –Т.: 1999.-50 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т.: Маънавият 2008 й-176 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон 2011 й
8. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т ., 1992. 160 б.
9. Абу Райҳон Беруний. Танл.асарлар. Т., 1968.1т.-488 б.
- 10.Абульханова – Славская К.А. Деятельность и психология личности-М., 1980.-335 с.
- 11.Айний С. Эсталиклар. –Т., 1953. 312 б.
- 12.Андреева Г.М. Социальная психология. –М.: МГУ, 1980.-515 с.
- 13.Антология педагогической мысли Узбекиской ССР/Под ред.С.Р. Раджапова, О.С.Аббосовой и др.-М.: Педагогика, 1986.319 с.
- 14.Асмолов А.Г.Психология личности. –М.: МГУ, 1990.-367 с.
- 15.Асқаров А.Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихидан // халқ таълими. –Т., 1996.-1-120 б.
- 16.Жабборов А “Педагогик психологиянинг этник асослари” Т.: Зарқалам 2006 й -48 б.
- 17.Леонтьев А.Н. Человек и культура. М., 1961. 115 с.

- 18.Леонтьев А.Н. Личность и деятельность. – М., 1977. – 123 с.
- 19.Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. М., 1977. – 304 с.
- 20.Митрофанов К.Г. Учителское ученичество // Педагогика и психология / Подписная научно – популярная серия. – М., 1991. – № 6 -80 с.
- 21.Навоий А .Махбуб ут кулуб. –Т.: 1983. -112 б.
- 22.Народы мира. Историко – этнографический справочник. –М., - Советская энциклопедия - , 1988. – 640 с.
- 23.Саракуев Э.А. Национально-психические особенности студентов и их учёт в воспитательной деятельности преподавателей вуза: Автореф. дисс.канд.пед.наук.М., 1991. – 20 с.
- 24.Файзиева М, Жабборов А “Оилавий муносабатлар психологияси” Т.: 2007 й- 144 б.
- 25.Фаробий. А.Н. Фозил одамлар шахри. 1993 й -223 б.
- 26.Франселла Ф., Баннистер Д.Новый метод исследования личности. –М., 1987. 232 с.
- 27.Этнические стереотипы поведения / Под. Ред А.К. Байбурина. – Л.. 1985. – 325 с.
- 28.Ғозиев Э. Умумий психология Т.: 2010 й-544 б.
- 29.Ҳикмат дурдоналари (Форс тилидан А.Ҳакимжонов таржимаси). – Т., 1993. -32 б.
- 30.Febure L. Combost pour l`histoire. p., 1953.
- 31.Lippman W. Public opinion. New York, 1922.